

YANGI SIRDARYO

Jamiyat – islohotlar
tashabbuskori



Gazeta 1963-yil 1-iyundan “Sirdaryo haqiqati” nomi bilan chiqa boshlagan

@yangisirdaryogazetasi

Yangi Sirdaryo 24 sirdaryo24.uz

• Ijtimoiy-siyosiy, ommaviy gazeta

№ 36 (11678) 16-SENTYABR 2024-YIL, DUSHANBA

Yangi Sirdaryo Gazetasi @yangisirdaryogazetasi



Сирдарёда бокс беллашувлари

ГУЛИСТОН ШАҲРИДАГИ “АЛПОМИШ” СПОРТ МАЖМУАСИДА ХАЛҚАРО БОКС КЕЧАСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон профессионал бокс федерацияси, вилоят спорт бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган турнирда мамлакатимизнинг кучли боксчилари билан бирга Қозоғистон ҳамда Тожикистондан келган чарм қўлқоп

усталари ғолиблик учун рингга чиқди. Мусобақа бошланиши олдидан сўз олган вилоят ҳокими Акмалжон Махмудалиев Ўзбекистон бошқа соҳалар қаторида спортда ҳам юксак натижаларга эришаётганини қайд этиб, Париж Олимпиадасида 206 та давлат орасида

умумий медаллар ҳисобида 13-ўринни эгаллагани барчага фахр-ифтихор бағишлаганини таъкидлади. Айниқса, боксдаги залворли ютуқлар тарихий воқеа бўлганлигини айтиб ўтди. Вилоятимизда спортнинг бокс тури ривожланиб бораётганлиги, спорт мусобақалари ташкил этилишининг аҳамияти ҳақида сўз юритиб, барча иштирокчиларга муваффақият ва омад тилади.

Бокс кечасида меҳмон сифатида иштирок этган Олимпиада



Беллашув қизгин баҳслар остида кечди. Айниқса, тожикистонлик Расулбек Аҳадов ва вилоятимиз вакили Рамил Шукумеров ўртасида кечган марказий жанг барчанинг эътиборида бўлди. Ҳакамларнинг қарорига кўра, Рамил Шукумеров очколар ҳисобида ғолибликни қўлга киритди.

Ғолиб ва иштирокчиларга пул мукофотлари топширилди. Шунингдек, вилоятимизда ёш ва умидли спортчиларни тарбиялашдаги улкан ҳиссаси учун бир гуруҳ мураббийлар ҳам тақдирланишди.

Акмал ЭШБОЕВ

Сураатларда: тадбир ва беллашувлардан лавҳалар

КУЗ-ҚИШ МАВСУМИ ОЛДИДАН

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири – Фуқаро муҳофазаси бошлигининг тегишли буйруғига мувофиқ вилоятимизда қўмондонлик-штаб ўқув машқлари ўтказилди.

Дастлаб вилоят механизациялаштирилган йиғма отряднинг саф қўриғи ўтказилиб, ФВДТ хизматларининг куч ва воситалари кўздан кечирилди. Шундан сўнг энергетика ва коммунал соҳа объектларининг жами 50 та ўқув нуқтасида куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш, мавсум давомида иссиқлик ва энергетика тармоқларини барқарор ишлаши, содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятлар ва йирик аварияларнинг олдини олиш ҳамда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш тадбирларини самарали ташкил

этиш бўйича амалий ҳаракатлар синовдан ўтказилди.

Фавқулодда вазиятлар вазири, генерал-майор Абдулла Қўлдошев ҳамда вилоят ҳокими Акмалжон Махмудалиев бошчилигида ўқув машқлари жойидан назорат қилиб борилди.

Ўқув машқи якунида йўл қўйилган камчиликлар танқидий муҳокама қилиниб, зарур кўрсатмалар берилди.

Ўз мухбиримиз

Сураатда: тадбирдан лавҳа



• ЖАРАЁН



Вилоят ҳокимининг навбатдаги қабули

Гулистон шаҳар ҳокимлигининг мажлислар залида анъанага мувофиқ очик мулоқот шаклида ўтказилган қабул давомида жисмоний ва юридик шахслардан 40 тага яқин мурожаат келиб тушди.

Мурожаатлар тегишли тартибда рўйхатга олинди, 17 таси тадбир ўтказилган жойнинг ўзида ҳал қилинди. 6 та мурожаат юзасидан тушунтириш ва ҳуқуқий маслаҳатлар берилди, 13 таси эса, тегишли масъуллардан иборат ишчи гуруҳи томонидан жойларга чиққан ҳолда ўрганиладиган бўлди. Шунингдек, 3 та мурожаат амалдаги қонунчилик талабларига мос келмагани сабабли асосланган ҳолда рад этилди.

Вилоят ҳокимлиги Матбуот хизмати бўлими

Сураатларда: тадбирдан лавҳалар



ЧЕМПИОН БИЛАН УЧРАШУВ

Шаҳар марказидаги “Юрт байроғи” марказий майдонида кенг жамоатчилик вакиллари, ёшлар иштирокида тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Тантананада сўз олган вилоят ҳоқими Акмалжон Махмудалиев Сервер Ибрагимовни улкан муваффақият билан табриклар экан, у каби матонат эгалари, моҳир спортчилар ёш авлод вакилларига намуна эканликларини, воҳамиз аҳли улкан галабани кўлга киритган, юртимиз байроғининг яна бир карра юқорига кўтарилишига сабабчи бўлган моҳир спортчи, чемпион билан фахрлинишини қайта-қайта таъкидлади.

Шунингдек, меҳнат фахрийси, “Нуроний” жамғармаси вилоят бўлими раҳбари Ўтбосар Абдиев ҳамда ёшлар-

нинг вакиллари ҳам сўзга чиқиб, чемпион спортчини табриклар, ўз тилаklarини билдирдилар.

Сервер Ибрагимовнинг мурабийси Акмал Собиров ҳам сўз олиб, юртимизда ёшлар, спортчилар учун яратиб берилган эътибор ва имкониятлар учун Президентимизга ўз миннатдорчилигини изҳор қилди. Вилоят ҳоқими Сервер Ибрагимов ва унинг мурабийи Акмал Собировни Сирдарё вилоятида спортнинг ўқ отиш тури ривожланишига қўшган ҳиссалари, Ўзбекистонни “Париж-24” паралимпиада мусобақалари жумладан, ушбу спорт тури орқали дунёга танитиш борасидаги хизмат-

ларини, ёшларни спортга, унинг барча турларига бўлган қизиқишлари орттиришига қўшаётган ҳиссаларини ҳам эътироф этиб, уларни вилоят хокимлигининг Ташаккурномаси билан тақдирлаб, эсдалик тухфаларини топширди.

Қутловлар, дил сўзлари дилбар оҳангларга уланди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Асатилло Холиқов “Сирдарёликлар” кўшигини ижро этиб, барчага байрамона кайфият бағишлади. Ёшлар, кексалар биргалишиб рақсларга тушдилар.

Тадбир иштирокчилари паралимпиада чемпионини олқишлар билан кузатиб қўйдилар.

Х.ЭШОНҚУЛОВА

• Тадбир

Яқинда сирдарёликлар йилларга татиғулик воқеанинг гувоҳи бўлдилар. Парижда бўлиб ўтган XVII ёзги Паралимпия ўйинларида пара ўқ отиш бўйича кумуш медаль соҳиби бўлган Сервер Ибрагимовни кутиб олишга бағишланган тантанана бўлиб ўтди. Спортчимиз ўтирган “Президент совгаси” тамгаси туширилган энгил автомашина Гулистон шахрининг марказий кўчалари бўйлаб кортежда ҳаракатланганида минглаб юртдошларимиз, кўплаб спорт мухлислари уни олқишлар билан кузатиб боришиди.

• Ислоҳот одимлари



САНОАТ ЯРМАРКАСИ ЎТКАЗИЛДИ

Гулистон шахридаги “Тадбиркорлар ва ҳунармандлар маркази”да 12-13 сентябрь кунлари бўлиб ўтган саноат ярмаркасининг очилиш маросимида вилоят ҳоқими Акмалжон Махмудалиев иштирок этди. У ушбу формат ишлаб чиқарувчиларни бир-бирига боғловчи катта майдон вазифасини ўтаётганлигини таъкидлаб, барча учун манфаатли бўлишига эзгу тилак билдирди.

Меҳмонлар вилоятимиз ҳамда республикамизнинг бошқа ҳудудларида турли соҳаларида фаолият юритувчи 200 дан зиёд корхоналарнинг қурилиш материаллари, тўқимачилик ва ипакни қайта ишлаш, кимё, электротехника, фармацевтика, чарм-пойабзал, автомобилсозлик, мебелсозлик соҳаларидаги 1500 га яқин турдаги маҳсулотлари намуналари билан яқиндан танишдилар.

Худудий тармоқларо саноат ярмаркаси кунларида янги лойиҳалар тақдироти, “B2B” учрашувлар ҳам ўтказилди. Шунингдек, саноат тармоқлари, кичик бизнес субъектлари маҳаллий маҳсулотларни харид қилиш ҳамда бутловчи қисмлар, материаллар ва хомашёларни етказиб бериш бўйича шартномалар тузиш имкониятига эга бўлдилар.

Ўз мухбиримиз

• Сайлов—2024

Вилоят кишлоқ хўжалик бошқармаси мажлислар залида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар депутатлар сайлови 2024 йил 27 октябрда ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон “Адолат” СДП Сирдарё вилоят Кенгаши томонидан Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига “Адолат”



НОМЗОДЛАР

ИШТИРОКИДА СЕМИНАР



социал-демократик партиясидан кўрсатилган номзодлар учун сиёсий ўқув бўлиб ўтди. Мазкур ўқув жараёнида вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига кўрсатилган номзодлар иштирок этишиди.

Ўқув семинарида депутатликка номзодларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари сайловолди ташвиқоти даврида йўл қўйилган асосий камчиликлар, сайлов тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик, сайловолди ташвиқотининг турлари, шакллари ва усуллари хусусида фикрлар айтилди. Олий Мажлис Қо-

нунчилик палатаси депутати Нодира Джанибекова тадбир иштирокчиларига қонунчиликда белгиланган тартиб, қоидалари ва қонунчиликда белгиланган чоралар юзасидан батафсил маълумот берди.

Шунингдек, семинар иштирокчилари “Тенг имкониятлар ва адолатли жамият сари” шиори билан номланган сайловолди дастури, партия дастурининг қисқача мазмун-моҳияти, таркибий тузилиши ва илгари суриланган асосий ғоялар тўғрисида тушунчаларга эга бўлишиди.

Тоҳир САМИЕВ

Кун тартибиде: коррупция мавзуси

Марказий банк Сирдарё вилояти Бош бошқармаси ва вилоят ички ишлар бошқармаси томонидан “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ҳамда Кибер жиноятларга қарши курашиш” мавзусига бағишланган амалий семинар ташкил этилди.



Мазкур тадбирни ўтказишдан мақсад банк хизматида коррупциявий ҳолатларнинг ҳар қандай кўринишларига қатъий мурокасизлик маданиятини шакллантиришдан иборат эди.

Семинарда вилоят ИИБ Тезкор кидирув хизмати Жиноят кидирув бошқармаси Коррупция ва иқтисодий жиноятчиликка қарши курашиш бўлинма бошлиғи Жонибек Хўжамкулов “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлари” мавзусида маъруза ўқиди. Шунингдек, Киберхавфсизлик бўлими масъул ходими Жасур Сариев ҳам сўзга чиқиб, жамият шиддат билан тараққий этаётган бугунги

кунда ҳар бир инсон ахборот технологияларининг имкониятларидан кенг фойдаланаётганлигини эътироф этди. Шу билан бирга сўнгги пайтларда ижтимоий тармоқларда сайтларни бузиб кириш, вирусли дастурлар тарқатиш ва фирибгарлар томонидан фуқароларнинг пластик карталаридан пул маблағларини ечиб олиш ёки уларнинг номига «ON-LINE» кредитлар расмийлаштириш каби ҳолатлар кўпаяётганлигини, бу эса, жиддий муаммоларни келтириб чиқараётганлиги хусусида сўз юритди.

Ҳақиқатан ҳам бугунги кунда кўпчилик томонидан ижтимоий тармоқлар яъни интернет дўконлардан фойдаланишда белгиланган тартиб қоидаларга амал қилмаслик

• Тадбир


оқибатида фирибгарларнинг тузоғига тушиб қолаётганлиги, бунинг натижасида фуқароларнинг пластик карталаридан пул маблағларининг ўғирланиши ачинарли ҳолдир.

Сўнгги пайтларда онлайн кимор ўйинлари айрим тоифадаги инсонлар ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб бораётганлиги, бундай ўйинлар натижасида нафақат молиявий таъсирга, балки қарамликни келтириб чиқарувчи ҳиссий таъсирга ҳам тушиб қолиш ҳолатлари кўплаб учрамоқда. Ҳаттоки бундай ўйинларда кўп миқдорда пул маблағларини ютқазиб қўйиб, кейинчалик ўз жонига қасд қилиш ёки ютқазиб қўйган пулини тўлаш учун жиноят содир қилишга чора боришмоқда. Ачинарлиси, бундай ҳолатлар банк ходимлари орасида ҳам учрамоқда.

Қолаверса, бундай ўйинларда қонунга хилоф равишда иштирок этиш, шунингдек, вояга етмаган шахсни кимор ва тавақалчиликка асосланган бошқа ўйинларда иштирок этишга жалб қилиш Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 191-моддасида маъмурий ҳуқуқбузарлик сифатида белгиланган.

Семинар сўнггида иштирокчилар барча саволларига жавоб олдилар.

Марказий банк Сирдарё вилояти Бош бошқармаси ахборот хизмати бўлими



• Мутахассис минбари

РЕПИТОР ҚУРИЛМАЛАРИДАН Фойдаланиш тартиби

Репитор (ретранслятор) қурилмаси мобил алоқа ва мобил интернет сигнални кучайтириб берувчи қурилма ҳисобланади. Ундан асосан мобил сигнал сатҳи паст бўлганда, яъни овозли сўзлашувларда халақитлар пайдо бўлиши ёки узилиб қолиши, мобил интернет тезлиги паст бўлган ҳолатларда фойдаланилади. Қурилма ишлаш принципа кўра, ташқи антенна орқали мобил алоқа операторларнинг база станцияларидан келаётган сатҳи паст бўлган сигнални қабул қилиб, уни кучайтирган ҳолда бино ичида ўрнатилган ички антенна орқали тарқатиб беради.

Шуни эсдан чиқармаслик керакки, репиторлар мобил алоқа операторларнинг уяли тармоқларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин, чунки ушбу қурилмалар нотўғри соланганда халақит манбалари бўлиб, бошқа абонентларга сифатли хизмат кўрсатишга халақит бериши мумкин. Мисол учун, репитор қурилмасининг чиқиш қуввати рухсат этилган параметрлардан ошса, қурилмадан чиқаётган сигнал база станциялари сигналларини сусайтиришга қодир. Шунинг учун ҳам ҳозирда мобил операторларнинг репиторлар ҳақидаги шикоятларининг 95 фоизи улардан фуқаролар томонида йирик шаҳарларда фойдаланиши билан боғлиқ эканлиги бежизга эмас. Репитор қурилмасидан шаҳарнинг зич жойларида фойдаланилганда уларга алоҳида эътибор талаб этилади. Чунки қурилма антеннадан тарқалаётган яқин турган таянч (база) станцияларига салбий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Радиочастоталар бўйича республика кенгашининг тегишли қарори билан Ўзбекистон ҳудудида мобил алоқа сигналларини кучайтириб берувчи ретранслятор қурилмаларидан қуйида келтирилган техник шартлар бажарилганда радиоэлектрон воситалардан фойдаланиш рухсатномаларини расмийлаштирилмаган ҳолда иккиламчи

асосда фойдаланишга рухсат берилган. Яъни:

- бошқа радиоэлектрон воситалар (шу жумладан, мобил алоқа операторлари тармоқлари таянч станциялари) ишлашига салбий радиохалақитлар кўрсатмаслиги ва радиохалақитлардан ҳимоя талаб қилмаслиги;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқилган (яратилган), модернизация қилинган, ишлаб чиқарилган ва хориждан олиб кириладиган (хориждан харид қилинадиган) ва фойдаланиладиган ретранслятор қурилмалар республикада белгиланган тартибда электромагнит мослашув нормаларига ва

техник талабларга мувофиқлик бўйича сертификатга эга бўлиши;

- ретранслятор қурилмаларнинг техник тавсифлари республикада радионурланиш параметрлари учун белгиланган стандарт ва меъёрларга ҳамда Халқаро электралоқа иттифоқи томонидан қабул қилинган норма ва тавсияларга мос келиши;

- мобил алоқа операторларининг таянч станцияларида юзага келаётган интерференсион ҳолатларни камайтириш мақсадида, қўлланилаётган ретранслятор қурилмалари — радиосигналларни кучайтириш қувватини автоматик сошлаш (бошқариш функцияси) тизими эга тегишли модул билан жиҳозланган бўлиши;

- ретранслятор қурилманинг чиқиш қуввати 500 мВт (27 дВТ)дан ошмаслиги, қурилма ташқи антенна билан жиҳозланган тақдирда эффектив нурланиш қуввати 1W (30 дВТ)дан ошмаслиги;

- ретранслятор қурилмаларининг ишлаши учун фойдаланиладиган радиочастота полосалари Радиочастоталар бўйича республика кенгаши томонидан Ўзбекистон ҳудудида мобил алоқа операторлари тармоқлари ишлаши учун ажратилган диапазонларга мос келиши;

- ретранслятор қурилмаларининг ишлаш вақтида радиочастота спектрида пайдо бўладиган (битта сўзлашув радиоканалида) ҳар қандай полосадан ташқаридаги радиосигналлар, сўзлашув каналининг асосий нурланишига нисбатан 60 дВ гача кучсизлиниши керак.

Тегишли қарор билан белгиланган талабларга риоя қилмасдан сифатсиз репитер қурилмаларидан фойдаланиш оқибатида бошқа қурилмалар ишлашига салбий таъсир кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 152-моддаси 1-қисмида кўрсатилган “Радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалардан фойдаланиш тартибини бузиш” билан маъмурий чора кўришга сабаб бўлади.

Элбек АБДУҒАНИЕВ,
Ўзкомназорат” инспекциясининг
Сирдарё вилояти ҳудудий
шўъбаси бошлиғи

• Журналист мулоҳазаси

БЕФОЙДА БЕКАТЛАР

Бугун 3-мавзедан то Навоий шоҳқўчасидаги ишхонамизгача вилоятимизга янги олиб келинган автобусда йўл танобини тортидим. Бир ҳолат озрок китик патимга тегди. Ислоҳ Каримов кўчаси бўйлаб ҳаракатланган автобус ҳар қадамда тўхтаб, йўловчи ола бошлади. Тушарманлар ҳам кўнгиллари тусаган жойда шофёрга мурожаат қилиб, уловни тўхташга мажбур қилишди. Ваҳоланки, кўча бўйларига соябонли бекатлар ўрнатилган.

Йўловчиларни оралаб, шофёрнинг яқинига ўтдим.

— Шофёр оға, ҳар қадамда тўхтаб, янги машинага жабр қилмай фақат бекатларда йўловчи олсангиз бўлмайди-ми? — дея мурожаат қилдим.

— Таклифингиз тўппа-тўғри. Йўловчиларни жамоат транспортида юриш ва чиқиш маданиятига ўргатишимиз керак. Қолаверса, шаҳар йўлларидаги бекатларнинг ҳаммаси ҳам тартиб билан ўрнатилган, деб бўлмайди. Баъзиларининг ораси яқин, баъзилариники бирмунча узок. Маршрутимиз ўтадиган Сайхун кўчасида эса, бирорта бекат йўқ.

Мулоқотимизни қулоғини елпатак қилиб эшитиб турган йўловчилардан бири гап сўқди.

— Уловингизни фақат бекатларда тўхтатсангиз, йўловчилар шунга ўрганармиди?

Албатта, йўловчининг мулоҳазаси тўғри. Бунинг учун шаҳар ички йўлларидаги бекатлар ҳам бугунги кун талабига жавоб бериши керак-да!

Шу ўринда калламизда бир фикр туғилди. Шаҳардаги жамоат транспортига дохил раҳбарлар ҳафтада бир кун хизмат машинасидан узилиб, жамоат транспортида юришни одат қилсалар, барча муаммолар ойдинлашармиди?! Балки ўшанда жамоат транспорти ҳам фақат бекатларга тўхтаб, йўловчи олиб, туширармиди?!

Бу ҳақда Гулистон шаҳар ҳокимлигида ўтирган соҳага дахлдор мутасадди мулозимлар дўппиларини олиб кўйиб чуқур ўйлаб кўрсалар бўларди. А, лаббай! Сиз нима дейсиз?

Мухаммадали АХМАД



• Қарор ва ижро

ИСЛОҲОТЛАР— АМАЛДА

Сўнги йилларда иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш, давлат мулкани хусусийлаштириш орқали хусусий сектор улушини ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш учун шароит яратиш, самарасиз ишлаётган ва истикболсиз корхоналарни тугатиш юзасидан тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ушбу ислохотларнинг узвий давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 19 апрелдаги “Иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартиришнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-162-сонли қарори қабул қилинди.

Қарор билан “Ўзбекистон — 2030” стратегияси мақсадлари ижросини таъминлаш, иқтисодиётнинг хусусий сектор ривожланган тармоқла-



рида давлат иштирокини кескин камайтириш, хусусий сектор фаолият кўрсатиши учун қулай рақобат муҳитини яратиш ҳамда хусусийлаштириш жараёнларини янада жадаллаштириш мақсадида оммавий савдоларга чиқариладиган қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари сотилмаган тақдирда босқичма-босқич нархини пасайтириш тартиби белгилаб берилмоқда. Жумладан:

- 2024 йил 1 майдан бошлаб қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини сотишни тезлаштириш ва улар негзида ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) объекларини ишга туширишни рағбатлантириш мақсадида аукцион савдоларга чиқарилган ер участкалари (Тошкент шаҳри ва вилоят марказлари бундан мустасно) уч ой давомида сотилмаганда уларнинг бошланғич нархи 30 фоизгача, олти ой давомида сотилмаганда 10 фоизгача босқичма-босқич 10 фоиздан пасайтирилади ва сотиб олиш тўловларининг 15 фоизини уч ой муддатда, қолган қисmini 10 йилгача муддатда бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилмоқда;

- ихтисослашуви ҳамда кичик бизнес учун мавжуд шароитдан келиб чиқиб, 4- ва 5-тоифаларга киритилган туманларда жойлашган давлат активлари ҳамда мулк ҳуқуқи асосида сотиб олинган ер участкалари бўйича:

- дастлабки тўлов суммаси 35 фоиздан кам бўлган ҳолларда қолган суммага Марказий банкнинг асосий ставкаси бўйича фоизларни ҳисоблаш тартиби бекор қилинмоқда;

- тўловларни, миқдоридан қатъи назар, 5 йил ичида тенг улушларда бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти яратилмоқда;

- қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини кредит таъминоти сифатида гаровга қўйиш учун амалга ошириладиган дастлабки тўлов миқдори 35 фоиздан 15 фоизга пасайтирилмоқда.

Айни пайтда “Е-аукцион” электрон савдо платформасида Сирдарё вилоятидан 3 000 дан ортиқ ер участкалари савдода турибди. Истаган шахс савдоларда қатнашиш учун Платформадан рўйхатдан ўтиши ва талаб этилган миқдордаги зақалат (кафолат) пулини киритган ҳолда онлайн-аукцион савдоларида иштирок этиши мумкин.

Шухрат БИТУРАЕВ,
“Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш” АЖ Сирдарё вилояти ҳудудий вакили



• Очерк

— Ораларингда бўш турган мана шу бинода ишлаб чиқаришни йўлга қўядиган валломат борми?

Вилоят ҳокими Акмалжон Махмудалиев Ховос тумани “Гулбахор” маҳалласида йиғилиш ўтказганларида машваратга тўпланган жамоага қарата шундай мурожаат қилди. Ҳеч кимдан сас-садо чиқмади. Бир пайт даврага бир аёл ийманибгина чиқди.

— Шу жой менга хатлаб берилса, беиш ўтирган кишлоғимиз аёллари учун янги иш ўринлари яратар эдим...

Ҳоким даъвогарнинг қўли узун-қискалиги билан қизиқди. Ўзини Саодат Аҳмедова деб таништирган аёл биринчи раҳбар олдида мухтасар ахборот берди. Якка тартибда тадбиркорлик қилишини, бисотида 10 та тикув машинкаси борлигини, ҳозирча уйда беш-ўн нафар қўшнилари билан буюртма асосида турли кийимлар тикиб, сотаётганини очиқлади.

Шу куни вилоят ҳокими Ховос тумани ҳокимида бўш турган ҳайҳотдай катта бинони Саодат Андақул қизига хатлаб беришни топширди.

Эзгу ишнинг бошланди-бошландиси қизиқ бўларкан. Туман Бандликка қўмаклашиш маркази эртаси куниёқ “Аёллар дафтари”да рўйхатда турган хотин-қизларни ишли қилиш учун хорижда ишлаб чиқарилган 10 та энг замонавий тикув машинкаларини ажратди. Бўш турган катта бинонинг ичи бир кунда файзли корхонага айланди. Якка тартибда фаолият олиб борган тадбиркор бир юмалаб “Саодат Умида” масъулияти чекланган жамиятга айланди.

Муствақиллик байрами арафасида тикув цехининг тантанали очилиш маросими бўлди. Маҳалла аҳли қишлоқда очилган илк sanoat корхонасини қўлаб-қувватлаш учун йиғилиб келди.

Зангори тасмани қирққан туман ҳокими Улуғбек Йўлдошев янги дунёга келган “Саодат Умида” масъулияти чекланган жамиятига оқ йўл тилади.

— Мактабда ўқиб юрган кезларимда меҳнат дарси (ҳозир технология деб юритилмоқда) деса ўзимни томдан ташлардим, — дейди Саодатхон. — Юқори синфларга ўтганимда энгил-бошимни тўлик ўзим бичиб, тикканман. Ўқувчилик йилларимдаёқ келажакдаги касбимни аниқ-тиниқ белгилаб олган эдим.

лиш учун бозор топиш керак. Ҳақиқий тадбиркор кичишадиган жойини олдиндан қашлаб қўяди. Саодатхон “ҳайё хуйт” деб Тошкентга йўл олди. Улгуржи савдо билан шуғулланадиган бир неча якка тартибдаги тадбиркорлар билан танишди, ака-сингил, опа-ука тутинди. Шаҳри азимдан маҳсулотига харидорлар топди. Энди бемалол ишлаб чиқаришни гуркиратса бўларди. Боз устига, ўзиям бичиш-тикишнинг устасига айланиб кетди.

“Саодат Умида”нинг формалари ял-ял ёнди.

— Тадбиркор қавми бозор иқтисодиётининг талаб ва таклиф қондасига қатъий амал қилиши керак, — дейди Саодат Андақул қизи. — Акс холда уйини тополмай қолади. Биз ҳозир кузги буюмлар тайёрлашга эътиборни қаратганмиз. Буюртмачиларимиз мато билан бирга тугмаларига етказиб бермоқда. Сабаби, биз тиккан буюмлар улгуржи бозорда яхши кетаётди. Қолаверса, буюртмачилар арзонроқ ишчи кучига ҳамisha интилишади. Энг асосийси, тайёрлаган маҳсулотларимиз учун кунма-кун ҳисоб-китоб йўлга қўйилган.

Бозор иқтисодиётининг олтин қондаси шундай: одамни манфаат ҳаракатга келтиради. Тикувчиларнинг қўли пул кўргандан кейин жоним-отим меҳнат қилади-да. Айни чоқда тикув цехида Қорақишлоқ, Қайирма, Увоқ қишлоқларидан 15 нафар ишсиз аёл қамраб олинган. Бундан ташқари, 5 нафар уйда тикувчилик қилаётган аёллар бор. МЧЖнинг ташкил бўлганига энди бир ойдан ошди. Яқин кунларда цехдаги тикувчилар сони 25 нафарга етиши кутилмоқда. Бошламасига тикувчилар 1.5 миллиондан мюна олаётди. Бу кўрсаткич аста-секин ўсиб бормоқда.

— “Саодат Умида” МЧЖ қишлоғимиздаги илк sanoat корхонаси, — дейди Навбахор Қутимова. — Бу биз, уйда ўтирган ишсиз аёллар учун айна муддао бўлди. Ҳозир кишлоғимиз цехида дугоналарим Гулбахор Ҳаққулова, Юлдуз Норбековалар билан бирга харидоргир маҳсулотлар тайёрлашга астойдил ҳаракат қилаяпмиз.

Куш уясида кўрганини қилади, деганларидек, Саодатхоннинг 5-7-синфларда таҳсил оладиган Умида ва Райҳона исмли қизлари ҳам бичиш-тикишни бинойидек ўрганиб олишган. Улар ортидан бўйсара қизлар ҳам цехга ташриф буюриб, опа-оналарининг ишларини кузатишади. Тикувчиликнинг алифбосидан воқиф бўлишади.

Илгари тадбиркорликнинг кўчасидан ўтмаган қишлоқ аёли Саодат Андақул қизи бугун каттагина иш берувчига айланди. У билан гурунглашсангиз, етти ўлчаб, бир кесиб гапиради. Катта-катта лойиҳалар устида бош қотираётганини очиқлайди. Уни ҳаётнинг ўзи тарбиялади, қийинчиликларни енгиб ўтишга ўргатди. Интилганга толе ёр, деганлари шудир-да!

Муҳаммадали АХМАД

Тасвирларда: қишлоқ тадбиркори Саодатхон Андақул қизи; у тикувчи Навбахор Қутимова билан тайёр буюмни кўздан кечирмоқда.

Муаллиф олган суратлар

“Аёллар дафтари”дан чиққан тадбиркор



Яратган эгам ёзуғига кимни битган бўлса, қиз бола ўша билан умргузаронлик қилади. Саодатхон мактабдоши Турсунбой билан бир ёстикка бош қўйди. Севган касбини маромига етказиш йўлида эса, асло тинмади. Маҳалланинг олд чеварлари Мамлакат Тожибоева, Нодира Холбоеваларга шогирд тушди. “Устоз-шогирд” ҳаракатининг чашмасидан тўйиб-тўйиб сув ичди. Пировардида: “Аҳд қилган бахт топар”, деган халқ мақолининг ростлигига иймон келтирди.

Самога парвоз қилган лочин чўққиларни кўзлайди. Саодатхон тутган жойини кесадиғанлар тоифасидан эди; уйда ишлаб чиқаришни ташкил этмоқчи бўлди. Бунинг учун албатта, тикув машинкалари керак эди. Қўли калталиқ қилди. Ўзини ўзи банд қилажаклигини айтиб, Гулистон шаҳридаги Мономарказга мурожаат қилди. Тикувчининг талаби қондирилди. Унга бир донга замонавий тикув машинкаси ажратилди. Ўшанда Саодатхон “Аёллар дафтари”да рўйхатда турарди.

Янги тикув машинкасида чеварликни бошлади. Бир-биридан чиройли ва бежирим аёллар ҳамда болалар кийимлари харидорлар томонидан тала-тала бўлиб кетди. Саодатхон топган даромадини туғлаб, сандикка солиб қўймади. Балки тикув машинкалари сотиб ола бошлади. Тома-тома қўл бўлур, деганларидек, тикув машинкалари 10 тага етганда уйда цех очди. Қишлоғидаги ишсиз аёлларни ёнига чорлади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ўз йўлига энг аввало, уларни реализация қи-

— Маҳаллий ҳокимият томонидан бўш турган бинонинг тикув цехига ажратиб берилиши кўп йиллик орзуларининг рўёбга чиқишига туртки берди, — дейди Саодатхон. — Бунинг учун туманимиз ҳокими Улуғбек Йўлдошевга, туман Бандликка қўмаклашиш маркази раҳбари Илҳом Жўраев, ходимлари Гулом Сайфиддинов, Раъно Аноркуловаларга ўз минатдорчилигини билдирмоқчиман.

Қаҳрамонимизнинг бу гаплари раҳбарларга ҳушомадгўйликдек туюлиши мумкин. Бироқ ҳақиқатнинг кўзига тик қарасак, раҳбарларнинг ёрдамисиз тадбиркорликни йўлга қўйиш мумкин ҳам бўлмай қолди.

Бугун “Саодат Умида” МЧЖнинг цехи кулинг ўргилсин корхонага айланди. Унда айна чоғда 20 та замонавий машинкалар гуриллаб ишлаб турибди. Цехда тикув машинкаларидан ташқари чок босадиган, ҳатто тугма қадайдиган ускуналаргача бор.

Август ойида янги корхона чеварлари томонидан қизлар учун мактаб формалари — 2 000 та кофта, 1000 та юбка тикилиб, буюртмачиларга етказиб берилди. “Биринчи кўнғирок” тантаналарида ўқувчи қизларнинг эғнида

ишларнинг 27 445 684 сўмлик кафолат суммаси тўлаб берилмаган.

Чаманзор кўчасидаги 12-13-14-уйларда бажарилган мукамал таъмирлаш ишлари учун ҳам кафолат суммалари ўз вақтида тўлаб берилмаган. Мазкур қарздорликлар ўрганиш давомида тўпланган ҳужжатлар асосида ўз исботини топди.

Юқоридаги ҳолатларга асосан вилоят адлия бошқармаси томонидан “Осиё қурилиш имкон сервис” МЧЖ манфаатида Гулистон туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси киритилди. Нагижада суд ажрим қабул қилиб, “Ягона буюртмачи хизмати” давлат унитар корхонаси ҳисобидан тадбиркор фойдасига 322 025 415 сўм миқдорда қарздорлик ундириладиган бўлди.

Дилноз УМУРЗОҚОВА, вилоят адлия бошқармасининг ҳуқуқий ахборот бўйича бош маслаҳатчиси

МУАММО ҲАЛ ЭТИЛДИ

Вилоят адлия бошқармаси масъул ходимлари томонидан “Осиё қурилиш имкон сервис” МЧЖ раҳбари Р.Султоновнинг мурожаати ўрганиб чиқилди. Аниқланишича, 2019 йил 2 август куни “Осиё қурилиш имкон сервис” МЧЖ билан Сирдарё вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” давлат унитар корхонаси ўртасида пудрат шартномаси тузилган бўлиб, пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан лойиҳада кўзда тутилган объектда мукамал таъмирлаш ишлари мажбуриятини олган.

Унитар корхона эса, тадбиркорга қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитларни яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириши белгиланган. Ўрганиш давомида таъмирлаш ишлари яқунланиб, объект фойдаланишга топширилган бўлса-да, 4 232 424 930 сўмлик бажарилган ишларнинг 5 фоизлик 211 622 095 сўмлик тўлов суммаси тўлаб берилмагани маълум бўлди. Мазкур тўланмаган

пул маблағлари унитар корхона томонидан тақдим этилган тўлов маълумотномаларида ҳам ўз исботини топди.

Шунингдек, тарафлар ўртасида 2020 йил 5 августда тузилган пудрат шартномасига кўра, МЧЖ томонидан Сардоба туманидаги “Юртдош” маҳалласи Чаманзор кўчасидаги 15-сонли уйни мукамал таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, фойдаланишга топширилган, бироқ 548 913 684 сўмлик бажарилган

• Орамиздаги одамлар

Ҳаётали бобо ердан барака топди



Мехнат қилган, астойдил ният қилган, киши қаҳридан, саратон чилласидан кўркмай, ерга меҳрини берган кишигагина барака ва ризкин яратганининг ўзи беради. Буни каттагина эмас, чоғроқ бўлса-да ери бор, сайхунободлик Ҳаётали бобо Аҳмедов ҳам яхши билади.

Асли ота - бобоси Фарғонадан. Мирзақўлни ўзлаштириш ишлари бошланган палаларда кўчиб келишган.

—Шу ерда туғилдим, ундим, ўсдим, палак отдим, — дейди салкам саксон ёшга қарши олаётган бобо. — Бобом, отам миришкор дехқон бўлишган. Дехқончилик илмини улардан ўргангандим. Суюгим шу ерларда қотди. Яратганга шуқур, қийинчиликни ҳам, яхши кунларни ҳам кўрдим. Дала кездим, ерга умид билан бугдой, чигит қадаб, кам бўлмадим. Айтишади-ку, барака ҳалоллик ва меҳнатда, деб.

Ҳаётали бобо турмуш ўртоғи Сайдинисо момо билан бирга тўққиз нафар киз, бир нафар ўғилни вояга етказишди. Улар ўз йўларини топиб кетишлари, бахтли бўлишлари учун кўмаклашишди. Бугунги кунда бобо ва момонинг 45 нафар набира, 36 нафар чевараси бор.

Давлатимиз раҳбарининг Сайхунобод туманидаги “Иттифок” маҳалласига қилган ташрифи сайхунободликлар каби Ҳаётали бобо ва Сайдинисо момо ҳаётида ўчмас из қолдирди.

—Президент Шавкат Мирзиёев хонадонимизга ташриф буюрмаган бўлса-да, бир девор қўшимниқига ташриф буюрганининг ўзи бизга катта ва унутилмас қувонч бахш этди, — дейди бобо. — Аммо давлатимиз раҳбарига кўрсатаман, у кишининг маслаҳатини, тавсиясини оламан, деб 15 сотихли ҳовлимизнинг 9 сотихига экилган қизил олмадининг “карликовий” нави бир йил бўлмай туриб, қийғос гуллаб, бирам мева бердики, ундан нафақат фарзандларим, набира ва чевара, қўни-қўшнилари бахраманд бўлишди.

Қувонарли жиҳати, чоғроқкина ерга экилган саримсоқ, булғор қалампери, қарамдан яхши ҳосил олди. Унинг маълум бир қисмини

ўзи ва фарзандлари эҳтиёжи учун ишлатган бўлса, қолган қисмини бозорга чиқариб, яхшигина даромад олди.

Бундай натижага эришишда сув тежовчи технология, яъни томчилатиб сугориш тизимининг ёрдами катта бўлди.

—Қаранг, анъанавий усулдан кўра, томчилатиб ва ёмғирлатиб сугориш тизимининг афзал жиҳатлари ниҳоятда кўп экан,— дейди Ҳаётали бобо биз билан бўлган суҳбатда.—Биринчидан, сув исрофгарчилигини олдини олса, иккинчидан, ушбу ускуна ёрдамида томоркамга эккан экиннинг учун зарур бўлган минерал ва қўшимча кимёвий озукларни белгиланган меъёрга томчилатиб, ўсимлигимга беряман. Бу эса, кичик бўлса-да, томоркамдан кутилганидан-да кўпроқ ҳосил олиш имконини берилади.

Бугун бобо хонадониди биологатория хизмати ҳам йўлга қўйилган. Асосийси, бу фаолиятни йўлга қўйишда давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 15 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва химояси агентлигини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори бобо, унинг фарзанди ва келини учун қўл келди. Эндилқда ушбу биологаторияда кишлоқ хўжалиги зараркундаларига қарши етиштирилаётган олтинқўз, трихограмма, бракон сингари энтомофаглар каби фойдали ҳашаротлар эса, шартнома асосида тумандаги фермер хўжаликларга етказиб берилмапти.

Энг муҳими, Президентимизнинг Сайхунобод туманига қилган ташрифи нафақат сайхунободлик, балки сирдарёликлар ҳаётининг ўзгаришига, Ҳаётали бобо каби ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланиб, бозорга бўлмаса-да, ўз хонадонлари учун зарур бўлган экин турларини экиш, ундан юқори ҳосил олиш учун туртки бўлаяпти. Шу боисдан ҳам ушбу туман тажрибаси мамлакатимизда оммалашмоқда. Узоқ-яқин вилоятлардан ташриф буюрувчилар бобо хонадониди ҳам бўлиб, дилдан суҳбатлашиб, тажриба алмашиб, тумандаги у киши сингари миришкор бободехқонлар ишига қўйил қолиб кетишапти.

Гуллом ПРИМОВ



Камина ҳар йили меҳнат таътилимни саёҳатда (кўпроқ океан ортида, шунингдек, шарқ мамлакатларида) ўтказишга одатланганман. Бу йил ҳам таътилда шу анъанани давом эттирдим. Фақат узоқда эмас қўшни Қирғизистон Республикаси Иссиқкўл вилояти. Иссиқкўл туманидаги Иссиқкўл соҳилида жойлашган “Роҳат” пансионатида хордик чиқардим. Тўғрироғи, хорижда бўлганим билан худди ўз уйимда дам олгандек эдим.

4 та пансионат: “Золотые пески”, “Дилором”, “Роҳат” ва “Бўстон” пансионатлари ўзбекистонлик инвесторларга (“Золотые пески” Тошкент механика заводида, “Дилором” “Асакабанк”ка, “Роҳат” Ўзбекистон Ташки иқтисодий фаолият миллий банкига, “Бўстон” эса “Ўзсаноатқурилишбанк”ка) узоқ муддатли фойдаланишга берилган бўлиб, айна пайтда улар юртдошларимизга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Ташки иқтисодий фаолият миллий банки томонидан таъмирланган “Роҳат” пансионатида жорий йилнинг ёзги мавсумида юзлаб ўзбекистонликлар (асосан банк ходимлари ҳамда уларнинг оила аъзолари) хордик чиқаришди. Пансионатда бизни илик кутиб олишди. Мовий кўл дам олиш корпусидан атиги 300 метрча узоқликда бўлиб, у бутун гўзаллиги билан кўриниб турар, ҳатто тўлқинлар товуши ҳам эшитиларди. Атрофни айланиб чиқарканман, катта ҳудуднинг ҳар бир бурчагида ўбеккона иссиқ меҳрни, эътиборни ҳис этдим. Йўлимда учраган ҳар бир киши қўлларини кўксиларига қўйиб, саломлашарди. Дастлабки таассуротларимок ўзбек ва қирғиз халқларининг қадимдан ўзаро дўст ва биродарлиги, ниятлар муштарақлиги, ушбу ташрифлар фақат яхшилик ва эзгуликлар билан йўғрилганлигини аниқларди.

Пансионат ҳовлисининг катта қисмини ўрмон эгаллаган бўлиб, у ерда асосан арча,

Саёҳат — танга роҳат

Иссиқкўлда ўбеккона иссиқ меҳр

оқ қайин, теракнинг бир неча тури, мажнунтол ва дунёнинг турли бурчакларидан келтирилган ҳар хил манзарали дарахтлар билан бирга олма, ўрик, олхўри ҳамда бошқа мевали дарахтлар гуркираб ўсиб турибди. Дарвоқе, бу ерда ҳаво анча салқин бўлгани боис мевалар кеч пишир (ўрик ва олхўрилар энди йиғиб олинаётган) экан. У ерда барча шароитлар яратилган. Ҳовлида ва бино ичкарида, қўл соҳилида тартиб, осойишталик, саришталик ва покизаликка алоҳида эътибор қаратилган. Шифокор ва ҳамширалар ҳар куни дам олувчиларнинг соғлигидан бохабар бўлиб туришади.

Ўзбекистон компаниялари пансионатларни 3-4 юлдузли даражагача модернизация қи-

қўшиқлари янграб, барчага хуш кайфият улашади.

Ҳовлида бобокалонимиз Абу Али ибн Сино ҳайкали ва шу номдаги мўъжазгина хиёбон доимо гавжум.

Бир ҳафталик дам олиш даври мобайнида Иссиқкўл туманида жойлашган бир неча дикқатга сазовор жойларни, жумладан, Тянь-Шань тоғлари ён бағрларида жойлашган туристик манзиллар: Чўлпон ота, Григорьевский, Семёновка, Темир ва бошқа кишлоқларга саёҳат уюштирилди. Айниқса, кемадаги сайр узоқ вақт ёдимдан чикмайди. Саёҳатлар давомида қирғиз халқи ҳаёти, турмуш тарзи, миллий анъаналари, урф-одатлари билан танишишга имкон яратилди. Саёҳатларда бизга ҳамроҳлик қилган туристик фирма ваки-



лиш мажбуриятини олишган экан. Келишув бўйича пансионат ходимлари асосан Қирғизистон фуқаролари бўлишлари назарда тутилганлиги боис у ердаги барча йўналишларда маҳаллий аҳоли вакиллари дам олувчиларга сидқидилдан хизмат қилишмоқда. Буни пляждаги хизматлар, жумладан, дам олувчиларнинг қўлда бехатар чўмилишларини таъминлаш, кичик қайиқ ва кемаларда сузиш, шунингдек, махсус мосламалар ёрдамида ҳавога учиш-қўниш, соҳилдаги турли миллатларнинг таомлари тайёрланадиган емакхоналар, савдо шаҳобчалари ва бошқаларда кўриш мумкин. Пансионатда ҳар кунги тайёрланадиган уч маҳал тўйимли овқатлар орасида ўзбекча таомлар кўпчиликни ташкил этади. Шунингдек, қирғизча ва европача таомлар ҳам мазали тайёрланади. Ҳар куни ҳовлида миллий санъат оҳанглар, биз суйган дилбаторларнинг

ласи Айзада Сафарова худуддаги тарихий жойлар, тарихий шахслар, халқ қаҳрамонларининг юрт тинчлиги, келажаги йўлидаги қурашлари, ҳозирда икки давлат ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари хусусида тўхталаркан, шунингдек, Иссиқкўл тумани худудидаги бир неча дам олиш масканларини обод қилишда ўзбек биродарларнинг хизмати катта бўлганлигини бот-бот тақрорларди.

Айни август охи ўрталарида Иссиқкўл вилоятининг тоғолди худудларида кучли ёмғир ёғиши, сел келиши муносабати билан саёҳатлар рўйхати бироз қисқарди. Лекин шу қисқа вақт мобайнидаги кўрганларим битиклар, сафар очерклари ёзишимга туртки бўлиши шубҳасиз.

Холида ПАРДАБОЕВА
 Сураатларда: саёҳатлардан лавҳалар.
 Муаллиф олган сураатлар.

Эл суйган, элни суйган инсон эди..

• Ёднома

Абдугани Абдурахмоновнинг вафот этганлиги ҳақидаги соқуқ хабарни эшитиб, бутун вужудимни титроқ босди. “Наҳотки шундай ибратли, оқил, истеъдодли инсон дунёдан кўз юмган бўлса?!..” дедим ўзимга ўзим ва кўзларимдан ёшлар оқаверди. Гўё ўша дамларда қарахт ҳолга тушиб қолган эдим.

...Кўз олдидан Абдугани билан бирга ишлаган даврларимиз кино лентасидек бирма-бир ўта бошлади. Ҳар сафар катта давраларда оташин нафас ва катта эҳтирос билан ўзи ёзган шеърларни ёддан ўқиганида мухлисларнинг хайрат билан лол бўлиб тингланлари эсимга тушаверди.

Абдугани мукамал инсонларда мужассам бўлиши мумкин бўлган барча ижобий фазилатларга эга эди. Энг асосийси, ўта камтарин, соддадил, барчага баравар муносабатда бўладиган, ҳалол турмуш тарзини кечирган воҳадошимиз эди. У қаерда, қайси лавозимда ишлагани, виждонан покдомонлик билан ишларди, қинғир ишлардан жуда ҳам ҳазар қиларди.

Пахта сиёсати кучли бўлган 90-йилларда у Ховос тумани ҳокимининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари лавозимида фаоли-

ят кўрсатарди, мен эса, туман халқ таълими бўлимнинг мудури бўлиб ишлардим.

Ўша йилларда ҳозир Жиззах вилоятининг Янгиобод тумани ҳудудига қарашли бўлган қишлоқлардаги мактабларнинг 1000 нафардан ортик ўқувчиларини пахта йиғим-теримида жалб қилиш учун машиналарда олиб келиб, ётоқ жойлари билан таъминлар эдик. Ўшанда Абдугани бирор ўқувчига шикаст етмаслиги учун жонини фидо этарди.

Тумандаги барча тадбирлар унинг раҳбарлигида жуда ажойиб, тартибли, кўнгилочар тарзда ўтарди.

Эсимда, бир гал Номингон қишлоғидаги мактабнинг директори ҳамроҳлигида қишлоққа туташиб кетган адирлар томондаги “Буви-Ғулом” сойига бориб, икки севишган қалб эгалари Буви ва Ғулом тошбўрон қилиб ўлдирилган жойдаги қабрсифат тош ғарамларини зиёрат қилган эдик. Шундан кейин бу йиғит билан қизнинг севгиси тарихига бағишланган “Буви-Ғулом” дostonини ёзди. Дostonни фақатгина кўзда ёш билан ўқиш мумкин.

Абдугани Абдурахмоновнинг “Боболар юрти”, “Онам ўғитлари”, “Сизга таъзим”, “Умид юлдузлари”, “Ҳаёт гўзал” ва “Истиқлол кўшиги” номли шеърый тўпламлари йиллар давомида бирин-кетин чоп этилиб, лирика



йўғрилган битиклари мухлисларнинг кўнгил мулкига айланиб улгурган.

Унинг “Амир Темурга” деб номланган шеъри кўшиққа айланиб, таниқли санъаткор Рустам Ғойипов томонидан куйланиб, телевидение орқали қайта-қайта эфирга берилганида қанчалар фахрланганмиз. Ўзимизнинг боёвтулик, таниқли суҳандон ва хонанда Тolibжон Исроилов томонидан айтилган кўшиқнинг матни қулоқларимиз остида ҳамон жаранглайверади:

**Ҳаёт гўзал, чидасанг
Ёмғирига, қорига.
Яна берар чидасанг
Шукр қилиб бориға.
Ишониб йўлга чиқма
Бировнинг тулпориға..**

Абдугани кўплаб шеърлар ва дostonлардан иборат ўқишли асарларни яратди. У умрининг сўнгги йиллари-

да “Баландчақир чинорлари” деб номланган китобини чоп эттирди. Китобда Баландчақир қишлоғидан чиққан мард инсонларнинг сиймолари акс эттирилган. Менимча, бу билан шоир ўзига ҳаётда хайкал қўйиб кетди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Ёзувчилар ва Журналистлар уюшмалари аъзолигига қабул қилинган шоир ва журналист “Ховос овози” газетасига муҳаррирлик қилиб, туман ҳаётининг кўзгуси ҳисобланган газетанинг мазмун-мударихасини бойитиб, кўхна Ховоснинг солномаларини тарихга муҳрлай олди.

А.Абдурахмонов давлат иши билан бирга оилада солиҳ фарзандларнинг қишлоғи, намунали оила соҳиби эди. У педагог сифатида ҳам кўплаб шогирдларнинг меҳрибон, жонкуяр устози эди. “Дарҳақиқат, Абдугани сингари шоиртабиат, камтар, камсуқум, хокисор инсонлар ҳаётга беш юз, минг йилда бир келса керак”, деб ўйлаб қолдим...

Эвоҳким, 10 сентябрь — жаноза кунда у яшаган Навбахор қишлоғи кўчаларига одамлар сўғмай қолди. Абдуганини—эл суйган, элни суйган инсонни охириги йўлга қузатар эканмиз, ички титроқ билан, тилларим айланмаган ҳолда “У дунёси обод, жойи жаннатда бўлишини Яратгандан тилаб қоламан”, дедим. Қадрдонимизнинг умр йўлдошига, фарзандларига, яқинларига сабр-бардош тилайман. Алвидо, шоир укам!..

**Назокат ЭРМАТОВА,
Боёвут тумани, меҳнат фахрийси**

“УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ”

• Тадбир

Тарихни, бугунни ва келажакни ўзида мужассам этган бундай маънавий-маърифий тадбир вилоят Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармасида ҳам ташкил этилди. Тадбирда бошқармада узоқ йиллар самарали фаолият кўрсатган ва ҳозирги кунда кексалик гаитини сураётган фахрий устозлар тақлиф этилди.

Сўзга чиққан меҳнат фахрийлари бугунги кунда соҳада фаолият олиб бораётган ёш мутахассисларга қишлоқ хўжалигига ва бошқа ўсимликлар дунёсига катта иқтисодий зарар етказиши мумкин бўлган карантин остидаги зарарли организмларнинг мустақилликка эришмасимиздан аввалги ва мустақилликнинг дастлабки йилларида юртимизга кириб келиши ҳамда тарқалишининг олдини олиш борасида олиб борилган ишлар тўғрисида ҳаётий мисоллар асосида сўзлаб беришди.

Шунингдек, тадбир давомида бугунги кунда ўсимликлар карантини соҳасида эришилаётган ютуқлар, агрокластер ва фермер хўжалиқларига яратилаётган қулайликлар ва бунинг натижасида экспорт географиясининг кенгайётгани ҳамда



қишлоқ хўжалиги масхулотларининг экспорт ҳажми йил сайин ошаётгани тўғрисида сўз юритилди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, “Уч авлод учрашуви” ёш мутахассислар учун ўзига хос таржиба мактаби вазифасини ўтади.

**Вилоят Ўсимликлар карантини ва
ҳимояси бошқармаси Матбуот хизмати бўлими
Суратда: тадбирдан лавҳа.**

• Табиат ва биз

Экологик барқарорликка эришиш йўлида

Бугунги кунга келиб, атмосфера ҳавосининг ифлосланиши, биологик хилма-хилликнинг камайиши, тупроқ деградацияси дунё миқёсида глобал таъсирни уйдотмоқда. Ўз навбатида табиий ресурсларни тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бугунги кунда давлат ва жамият ҳаёти учун муҳим устувор йўналишга айланди.

Халқаро ташкилотларнинг маълумотларига кўра, ҳар йили 7 миллион гектарга яқин унумдор ер жаҳон қишлоқ хўжалиги айланмасидан тортиб олинмоқда, 7 миллион киши ҳаво ифлосланиши таъсири туфайли вафот этмоқда. 2025 йилга бориб эса, дунё аҳолисининг ярмидан кўпи сифатли сув истеъмолдан маҳрум бўлиши эҳтимоли бор.

Юртимизда аҳолининг қулай муҳитга эга бўлиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, табиий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш, юзага келаётган экологик муаммоларнинг олдини олишга жиддий эътибор қаратиб келинмоқда.

Ҳозирги кунларда вилоятимизда ҳам эколо-



гик муаммоларнинг олдини олишга қаратилган бир қанча тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жорий йилдан бошлаб ҳудудларда дарахтларнинг илдиз тизимларини бетон ва асфальт қопламаларидан, уларни турли чироқ мосламаларидан, реклама баннерлари ва “шит”ларидан бўшашига қаратилган “Дарахтга нафас беринг” оммавий тадбири ўтказилиб келинмоқда. Шу кунга қадар ўсиб турган 200 тадан зиёд кўп йиллик дарахтларнинг танасига шикаст етказётган ҳар хил реклама баннерлари ва турли ёнувчи махсус чироқлар осилганлиги ҳамда илдиз қисми бетон қоплама билан қопланганлиги ҳолати аниқланди. Баннерлар ва чироқлар олиб ташланиб, дарахтларнинг илдиз қисми бетон қопламадан тозаланиб, тадбиркорлар ва фуқаролар ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Вилоятимиз ҳудудида ҳозирги кунда 102 та ав-

томобиль ювиш шохобчалари мавжуд бўлиб, шундан бошқарма томонидан 2024 йил 6 ойи мобайнида жами 49 та АЮШларда белгиланган тартибда текширишлар ўтказилди. Ўтказилган текширишлар натижасида табиатни муҳофаза қилишга доир қонунчиликни бузганлик учун жами 49 та умумий миқдори 190.4 миллион сўм жарима қўлланилиб, 95.253 миллион сўм миқдорда қўшимча компенсация маблағлари ҳисобланди. Бундан ташқари, 49 та автомобиль ювиш шохобчаларининг барчаси ичимлик сувидан узилиб, 150 минг метр кубдан зиёд ичимлик суви тежаб қолинди. Ҳозирги кунда текшириш ишлари давом эттирилмоқда. Қолаверса, вилоят миқёсида 19 та сувни тежовчи технология билан жиҳозланган ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи автомобиль ювиш шохобчалари ишга туширилди.

Вилоятимизда фаолият юритаётган 8 та маиший чиқинди йиғиш полигонлари мавжуд бўлиб, уларга ажратилган ер майдони 40,8 гектарни ташкил қилади. Айни пайтда 8 та чиқинди полигониди жами 591 342 тонна ҳар хил турдаги чиқиндилар тўпланган. Шунингдек, вилоят ҳудудида ўртача 1 кунда 475 тонна, 1 ой давомида 14 250 тонна ҳамда бир йилда 172 000 тонна қаттиқ маиший чиқинди ҳосил бўлади.

Зеро, биз нафас олаётган ҳаво мусаффо бўлса, унинг таркиби экология ва санитария қодалари талабларига тўлиқ жавоб берагина фуқароларимизнинг қулай атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқини таъминлаган бўлаемиз.

**Икромжон ТАГАЕВ,
вилоят Экология, атроф-муҳитни муҳофаза
қилиш ва иқлим ўзгариши
бошқармаси бошлиғи**

СИРДАРЁ ИЭСДА ТАҚСИМОТ

• Тадбир

“Иссиқлик электр станциялари” АЖ Сирдарё ИЭС филиалида 2024-2025-йиллар кузқиш мавсумида энергоблокларнинг барқарорлигини таъминлаш, ёқилғи сарфини камайтириш, маҳсулот таннархини пасайтириш бўйича зарур чораларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Станция раҳбарияти ҳамда масъул ходимлар иштирокида ўтган йиғилишда табиий газ ва электр энергиясини иктисод қилиш ҳамда таннархни пасайтириш бўйича амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, жорий йилнинг ўтган январь-август ойларида режадагидан ортикча 119 398,4 минг кубометр табиий газ, 26 649,5 минг кВт.соат электр энергияси иктисод қилинишига эришилган. Корхонада муқобил энергия манбаларидан ҳам самарали фойдаланиб келинмоқда. Жумладан, станцияда ўрнатилган қуввати 1,9 МВт бўлган куёш фотоэлектр станцияси жорий йилнинг ўтган даврида 1 491,82 минг кВт. соат электр энергияси ишлаб чиқарган.

Бундан ташқари, станцияда 154 та куёш панелли ёритиш чироқлари, 96 та сенсорли ҳаракат датчиклари, 31 та куёш сув иситиш қурилмалари ҳам самарали ишлаб келмоқда.


Айниқса, ИЭС корхонасида ташкил қилинган инновацион марказда ёш мутахассис ишчи-ходимлар томонидан қўллаб-қувватлаш ва ташаббуслар илгари сурилмоқда. Яъни “Рационализаторлик, новаторлик ва бизнес гоялар илмий кенгаши гуруҳи” томонидан навбатдаги таклиф яъни лазер ёрдамида буюмларга



таъкидланганидек, жорий йилнинг ўтган январь-август ойларида режадагидан ортикча 119 398,4 минг кубометр табиий газ, 26 649,5 минг кВт.соат электр энергияси иктисод қилинишига эришилган. Корхонада муқобил энергия манбаларидан ҳам самарали фойдаланиб келинмоқда. Жумладан, станцияда ўрнатилган қуввати 1,9 МВт бўлган куёш фотоэлектр станцияси жорий йилнинг ўтган даврида 1 491,82 минг кВт. соат электр энергияси ишлаб чиқарган.

Жорий йилнинг ярим йиллигида ҳам ёш энергетиклар Москва шаҳрида бўлиб ўтган МДХдаги нуфузли халқаро мусобақанинг “CASE-IN” финал босқичида муносиб иштирок этиб, “МДХ ёқилғи-энергетика комплексининг рақамли трансформацияси: амалий ечимлар” мавзусида ўтказилган танловда “ЭНЕРГО+” жамоаси муносиб иштирок этиб, диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишган.

Эндиликда эса, “яшил” уйлар яъни ҳозирги кунда Европада кенг татбиқ этилган газ ва электр энергия-



сини тежовчи уйлар дастурини яратиш бўйича ИЭС жамоаси ҳаракат қилишмоқда. Дарвоқе, бугунги кунда Марказий Осиёда газ ва электр энергиясини тежаш, шунингдек, атмосферага чиқадиган карбонат ангидрид чиқиндиларини камайтиришга ҳаракат қилинаётган бу даврда ушбу уйлар бунёд этилса, табиий бойликларни тежашда юқори самарага эришиш мумкин. Ушбу инновацион тежамкор уйлар икки қаватга мўлжалланган бўлиб, уйнинг тажриба намунаси тўлиқ энергия тежовчи технологиялардан қурилган бўлади. Яъни бино табиий газга уланмаган ҳолда уй ўзини энергия билан тўлиқ таъминлайди. Хусусан, куёш ёрдамида олинган электр энергиясини қабул қилиб, иссиқликни сақлайди. Бундай уйларнинг қурилиши йилига 600 минг тоннага яқин карбонат ангидрид чиқиндиларини камайтириш имконини беради.

Машаққатли касб эгалари энергетиклар нафақат электр энергияси ишлаб чиқаришда меҳнат қиладилар балки ҳар ҳафтада спорт мусобақалари, “QVZ” “Хон – атлас” каби маънавий, маърифий тадбирлар ташкил қилишади.

Йиғилиш якунида 2024-2025 йиллар бўйича, электр энергиясини тежаш орқали иктисодий ўсишга эришиш, янада янги инновацион гоялар ишлаб чиқиш бўйича келишиб олишди.

Хуршида НИШОНОВА

• Божхона тизимида



Маълумки, жорий йилнинг 27 октябрида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашилар депутатлари сайлови бўлиб ўтади. Сайловлар биринчи марта мажоритар-пропорционал (аралаш) тизим асосида ўтказилади. Бу тизимда сайлов округлари бир мандатли ва ягона сайлов округлари бўлилади.

Аҳолининг сайловга оид ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш мақсадида адлия органлари томонидан жойларда кенг қўллаб-қувватлаш тарғибот тадбирлари бўлиб ўтмоқда. “Ҳуқуқий тарғибот кўни” доирасида божхона бошқармасида ташкил этилган семинар сайлов қонунчилиги мазмун-моҳиятини тушунтиришга қаратилди.

Тадбирда вилоят адлия бошқармаси масъул ходимлари Шерозбек Додоев ва Дилноз Умурзокова иштирок этиб, сайлов жараёнида қонунийлик, кампаниянинг очиқлиги ва ошқоралигини таъминлашда ОАВ ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг роли, “E-saylov” ахборот тизимининг аҳамияти бўйича муҳим маълумотлар берди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда дунёнинг ривожланган мамлакатларида синовдан муваффақиятли

ўтган, сайловчиларнинг хоши-истаклари, талабларига тўла жавоб берадиган, сайловни аҳоли учун энг мақбул шаклда ташкил этиш ва ўтказиш тартиблари ҳамда сайлов тизимлари мавжуд. Айниқса, аралаш сайлов тизимидан самарали фойдаланиб келинмоқда. Шу сабабли Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини аралаш сайлов тизими асосида ўтказиш тартиби белгиланган.

Тадбир давомида янги сайлов тизимининг аҳамияти ва афзалликлари батафсил тушунтирилиб, ушбу сиёсий жараён сайловчиларнинг ҳуқуқий онгини юксалтириш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада оширишда муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

Вилоят божхона бошқармаси Матбуот хизмати бўлими
Суратда: тадбирдан лавҳа

ФОИЗЛАРДА ҲАМДА ҲАМДА

Янгиер шаҳрида 2024 йилнинг январь-август ойлари якуни бўйича чакана савдо товар айланмаси 323,1 миллиард сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,3 фоизга кўпайди. Шу жумладан, йирик корхоналарнинг товар айланмаси 18,1 миллиард сўмни, умумий ҳажмдаги улуши 5,6 фоизни ташкил этди.

Шунингдек, кичик тадбиркорлик субъектларининг товар айланмаси 305,1 миллиард сўм, умумий ҳажмдаги улуши 94,4 фоиз, уюшмаган савдо товар айланмаси 15,1 миллиард сўм, умумий ҳажмдаги улуши 4,7 фоиздан иборат бўлди.

Н. ХҲҲАНБОВЕВ,
Янгиер шаҳар статистика бўлими бошлиғи

• Статистика

ХОВОС ТУМАНИ АҲОЛИСИ ВА ТАДБИРКОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

2024 йил 23 сентябрь куни соат 11.00 да Ховос тумани “Оқчангал” МФЙ биносидан Республика Марказий банки ҳамда ҳудудий бош бошқарма раҳбариятининг сайёр қабули ўтказилади.

Ушбу қабулни ўтказишдан мақсад тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган банк хизматлари борасида дуч келаётган муаммоларни аниқлаш, уларнинг қонуний ечимини топиш ҳамда келгусида банк тизимида кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини янада ошириш учун банк хизматлари истеъмолчиларининг таклиф ва мулоҳазаларини ўрганиш.

Сайёр қабулда мурожаат ва таклифлар билан фаол иштирок этишингизни сўраймиз.

Қабул юзасидан мурожаатлар учун телефон:
(97) 278-50-55.

Марказий банк Сирдарё вилояти
Бош бошқармаси раҳбарият

Фуқаро Эшқуватов Баходир Шодмонович номига Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси томонидан 2026 йил 31 декабргача амал қилувчи 3167 рақамли хизмат гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **БЕККОР ҚИЛИНАДИ.**

Фуқаро Батиров Эркинжан Тухтабоевич номига вилоят ИИБ Молиявий таъминот хизмати пенсия таъминоти бўлими томонидан 2008 йилда берилган 2181 рақамли пенсия гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **БЕККОР ҚИЛИНАДИ.**

Сирдарё вилояти Адлия бошқармаси томонидан 2019 йилнинг 28 мартида 225-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “BAHOR SUV CHASHMASI” нодавлат нотижорат ташкилоти 9 сентябрдаги 2-сонли йиғилиш қарорига асосан тугатилишини **маълум қиламиз.**

Дебитор ва кредиторлар эълон чикқан санадан бошлаб, бир ой муддатда қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин.

Гулистон тумани “Иноқшиқ” МФЙ Муқимий кўчаси, 38-уй.
Телефон: (94) 919-19-98.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

“Янги Сирдарё”, “Новая Сырдарья” газеталари таҳририяти жамоаси Ўзбекистон Ёзувчилар ва Журналистлар уюшмалари аъзоси, шоир, журналист

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВнинг вафоти муносабати билан оила аъзоларига ва барча яқинларига чуқур ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор қилади.

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИГА БАҒИШЛАНДИ



ЗОМИНДА...

Хисларимиз мисоли сайёх кезганида тоғлар кучоғин ва бошланиб ижодий айём, кўкка учди илҳом учоғи...

Тарқаб кетди вужуд губори, сўнг қаршилаб гўзал окшомин, ҳаяжонга завқларни қориб, юракларга улашди Зомин...

Мезбон бўлган Уриклисой ҳам табиатдан тузаб дастурхон, то кетгунча бекўст-у бекам, нигоҳларни айлади меҳмон...

Сархуш бўлдик, дарвоқе, ҳар кез

Хусниддин Ҳайит 1989 йил Сардоба туманида таваллуд топган. ГулДУ Филология факультети, Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети магистратура босқичида тахсил олган. Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактаби ўқитувчиси. "Зангор фасл" (2010), "Сайхун саболари" (2019), "Кўнги қўшиқлари" (2020), "Турон адиблари" (2022), "Мужда" (2022), "Турон наволари" (2023) тўпламларида шеърлари чоп қилинган. "Сирдарёлик қиз" (2011), "Кўнги тилининг изоҳли луғати" (2021), "Дилнурбитик" (2022), "Тақвим таронаси" (2023) китоблари нашр этилган. Шунингдек, шеърлари инглиз, турк, қирғиз тилларига таржима қилинган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, "Шуҳрат" медали соҳиби.

сипқарганча гўзаллик майин, кўнглимизни қилмасдан парҳез, нур таомин едик тинмайин...

Ғам-ғуссага қолмади ўрин, ҳар қадамда туғилиб ҳайрат ва, аксинча, қалбимиз қўрин эгаллади илоҳий ғайрат...

Хусниддин ҲАЙИТ

Муқаддас Тўйчиева 1982 йилда Гулистон туманида туғилган. ГулДУ Педагогика-психология факультети сиртки бўлим 5-босқич талабаси. Айни пайтда Ховос туманидаги 24-умумтаълим мактабида фаолият кўрсатади. У бадиий адабиётнинг чинакам шайдоси. Мутолаадан бўш вақтларида шеърлар ёзиб туради. "Соғиндим" номли назмий тўплами нашрга тайёрланди. Қуйида Муқаддаснинг битикларидан илк бора намуналар берилмоқда.

ТОНГ ЧОҒИДА

Уфқдан офтоб чикса,
Хайрли тонг келаркан.
Юракка орзу, умид,
Чексиз шодлик бераркан.

Субҳидамнинг насими
Хуш ёқади дилларга.
Учиб келган капалак
Салом берар гулларга.

Кўчасига сув сепаиб,
Сулув келин супурар.
Ҳовлидаги райхондан
Хушбўй ислар уфурар.

Эрта турган кишининг
Ризки бўлармиш бутун.
Тонгни мадҳ этиб булбул,
Яйраб сайрайди мамнун.

Азизлар, ҳар кун тонгни
Қаршилаш насиб этсин.
Бу ҳаётда ҳамма ҳам
Орзу-ниятга етсин.

Муқаддас ТЎЙЧИЕВА

СЕВГИ НИМА?

Кимлар севиб, севилар,
Севги нима, билмадим.
Севги қувончми-ғусса?
Ҳамон идрок қилмадим.

Қалбларни у забт этса,
Ошиқни лол этарми?
Кимки вафодор бўлса,
Бахтнинг гулин тутарми?

Севги азал маъшуқа
Дилин ўртар туйғуми?
Кимки қолса ҳижронда,
Ногоҳ келган қайғуми?

Аслида у туйғайли
Завқли туюлар ҳаёт.
Ҳар бир инсон зотига
Ошно бўлсин умрбод.

ОТИЛГАЙ

Ватан, десам, юрагимдан вулқон отилгай,
Томирларим ёриб чиқиб, о, кон отилгай.
Кўксимни кўр... Тимдаланган миллат ўғлони —
Сибирларга сургун бўлган Усмон отилгай.

Хуррият, деб эрта кетди бечораларим,
Ич-ичимдан аламли бир исён отилгай.
Кеча-кундуз, ўткан кунлар оғригидир бу,
"Болта билан чопилиб", Чўлпон отилгай...

Миллат нафас олсин, юрт яшасин, дер,
Тупроқларни гуллатиб, бу жон отилгай.
Қора хатлар келаверар оқ қоғозларда,
Жангоҳларда неча минг қурбон отилгай...

То ҳаёт давом этар озодлик учун,
Майдонга мард бўлиб, ўғлон отилгай.
Чингизга зарба берган тарих тўфони —
Жалолиддин Синддарёга ҳар он отилгай...

Елкадошлар келса, элга музаффар,
Қадр топиб, пойига гул, шон отилгай.
Ўзбекистон - элпарвар, эзуликпарвар,
Дўстим, дея дўпписи осмон отилгай.

Ватан, десам,
юрагимда вулқон отилгай!..

Азиз ХЎЖА НУР



ҚЎШНИ ҚИЗ

(Ҳазил)

Қўшни қиз иболи, ҳаёли,
Сочлари белидан паст тушган.
Кўйлаги ўзидек чиройли,
Ранги ҳам рангига мос тушган.

Дарвоза қунора тақиллар,
Овози кўнгирак дегулик.
Доимо қўлида иссиқ нон,
Ё ўзи пиширган егулик.

Ҳар сафар келади ўсмага,
Билмадим, бўлганим бу ода.
Шундоғам қошлари қоп-қора,
Ҳайронман, ўсмага не ҳожат?..

Худдики унга деб эккандек,
Бир даста гул қилиб теради.
Қошига ўсмалар энгандек,
Кўнглим ҳам кўнглига энади.

Ҳеч тутқич бермайди маккора,
Сезмайди, дейди-да, бу ишин.
Нахотки билмасам қунора,
Мени деб ўсмага келишин.

У қилдинг, бу қилдинг, севдирдинг,
Ишқ бизнинг йўлимиз тўсмасин..
Шундаки овора бўлмайсан,
Сўрашга кўшинининг ўсмасин...

Отаёр РОЗИҚОВ,
Мирзаобод тумани



Азиз Хўжа Нур 1993 йилда Сайхунобод туманида таваллуд топган. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти талабаси. Ўзи яшаётган туман маданият бўлимининг мутахассиси. Унинг шеърлари "Зангори фасл", "Навқирон оҳанглар", "Тинчлик", "Шукрона", "Эзгулик", "Дунёларга танитамиз Сирдарёни!", "Адабиёт авлодлари", "Назм силсиласи", "Ватанга вафо", "Хушхабар", "Энг гуллаган ёшлик чоғимда", "Нур устига нур", "Қалб гавҳари", "Кўнги кутубхонаси" ва "Юрт байроғи юрагида ҳилпираганлар", "Янги ренессанс талабалари", "Жадидчилик издошлари", "Ижодий парвоз" номли китобларда нашр қилинган. Илк шеърий тўплами "Ватан учун яшайман" номи билан чоп этилган.



ИФТИХОР

Бугун қаддим тоғлардан баланд,
Гўё осмон менинг қўлимда.
Қилгум энди юксакка парвоз,
Кичик орзу қолди йўлимда.

Ватан ҳисси мавжланиб, жўшар,
Қоқилсам-да, туриб кетаман.
Синовларни шахд билан енгиб,
Чўққиларга албат етаман.

Мен бахтлиман бахтлилар ичра,
Жаннатмакон юрда яшайман.
Қиёси йўқ ўз диёримнинг
Хизматига доимо шайман.

Равнақи деб фидо бўларман,
Юрагимда орзулар улкан.
Эъозли юрт Эъозасиман,
Омадим шул, иқболим қулган.

Эъзоа АЛИМОВА,
Зулфия номидаги Давлат
мукофоти совриндори

YANGI
SIRDARYO

Bosh muharrir:
Bahrom
BOYMURODOV

Muassis: Sirdaryo viloyati
hokimligi

2020-yil 25-iyunda Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi Sirdaryo viloyati boshqarmasida 10-023 raqami bilan ro'yxatga olingan.

TELEFONLAR:
Qabulxona: (33) 355-07-45,
O'rinbosar: (94) 955-54-02,
Bo'limalar: (97) 124-22-01,
(99) 913-11-56, (99) 476-82-19,
reklama va e'lonlar:
(99) 646-07-45.

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi. Chop etilgan maqolalardagi ma'lumotlar va raqamlar to'g'riligi uchun javobgarlik muallif zimmasida.

Gazeta "Yangi Sirdaryo" tahririyati kompyuter markazida terilib, sahifalandi. A-3 formatda, 8 sahifada 2 bosma taboq ofset usulida "SHARQ" NMAKda 1500 nusxada chop etildi. Bosmaxona manzili: Toshkent sh., Mirobod tumani, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Tel.: (71) 233 11 07. Buyurtma T-948

Bizga yozing: 120100. Guliston shahri, Navoiy shohko'chasi, 30-uy.
Telegram: @yangisirdaryogazetasi Facebook: Yangi Sirdaryo gazetasi
Instagram: @yangisirdaryogazetasi Website: sirdaryo24.uz
YouTube: Yangi Sirdaryo 24

NAVATCHI:
X. NISHONOVA

Nashr ko'rsatkichi 459.
ISSN 2181-5984
Topshirish vaqti - 16.00
Topshirildi - 18.00
16.09.2024-yil

—Tijorat material
Sotuvda erkin narxda